


ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№29
(681)
2008 йил,
4 июль, жумаЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
QONUNCHILIK PALATASI KENGASHINING VA
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI
KENGASHINING
KŮSHMA QARORIНОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ,
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлашни кучайтириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига қўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР** қилди.

1. Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади), шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Фонд ва Парламент комиссияси «Жамоат фондлари тўғрисида»-ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида мавжуд, нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

ажратиладиган маблағлар тақсимлашнинг ташкил этиш, ННТни моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш мақсадида тузилади;

Фонд маблағлари бевосита ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг талабномалари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма тарзида ажратилади;

ННТни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Фондга бюджет маблағларини ҳар йилги ажратиш Парламент комиссиясининг тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш, қўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш муддатларида амалга оширилади. Бунда ННТга ажратилган, ҳисобот йили охиридаги фойдаланилмаган қолган маблағлар бюджет даромадига қайтарилмайди, балки улардан белгиланган мақсадига мувофиқ келаси йили фойдаланилади;

Парламент комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликларининг тегишли тузилмалари, республика ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари орасидан раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK
PALATASI KENGASHI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY
MAJLISI SENATI KENGASHINING "НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА
ИНСТИТУТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлашни кучайтириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида"ги Кўшма ҚАРОРИГА
Ш А Р Х

Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш ҳамда эркин ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шартларини, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш, уларнинг демократик ўзгаришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, одамлар тафаккурда демократик қадриятларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида — иқтисодий, маданий, гуманитар, иж-

тимоий жабҳаларда фаолият кўрсатиб, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини йўқолатмаганда. Мамлакатда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг саясий ҳаракати билан Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа ўнлаб институтлари тузилиб, улар жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожланишини таъминловчи илғор қонунчилик базиси, норматив-ҳуқуқий асос барпо этилди. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Давлат бошқа-

рувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди ёки янги тахрирда эълон қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, мамлакат ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди.

"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Қонун нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўп қиррали фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларнинг яхлит тизimini белгилаб берди.

(Давоми 2-бетда).

ЭКСПОРТ
САЛОҲИЯТИ ОРТАДИ

Чустдаги «VIVATEKS» масъулияти чекланган жамиятида асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бугунги кунда бу ерда 300 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 90 фоизини ёшлар ташкил этади.

Қўлгил чеварлар томонидан тикилаётган кийим-кечакларнинг чироилиги ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборига тушаётир. Шу туфайли Тошкент, Москва ва Киев каби шаҳарлардаги маркетинг гуруҳлари корхонани доимо буюртма билан таъминлаб келмоқда. Асосий маҳсулотларга Россия ҳамда украинликлар харидор бўлаётир.

Корхонада, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Уларга тикувчилик-технологик жараёнлар мукамал ўргатиб берилмоқда. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, ҳозирги кунда 20 нафардан ортиқ касаначи аёллар ўз уйларида буюртма олиб ишламоқда.

Айни пайтда корхона таъсисчилари томонидан қўшимча инвестициялар олиб келиш мўлжалланаяпти. Агар ушбу режа амалга ошса, корхонада янги цех қурилиши ва ишлаб чиқариш самардорлигини 1,5 баробар ошириш имконияти яратилади. Натижада яна қўшимча 700 та янги иш ўрни яратилиб, экспорт ҳажми янада ортади.



Суратларда: корхона иш фаолиятдан лавҳалар.



"АДОЛАТ" СДПнинг НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ

Бугун пойтахтимиздаги "Марказий зобитлар уйи"да Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги IX Пленуми ўз ишини бошлайди.

Маълумки, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун барча сиёсий партиялар сингари "Адолат" СДП зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклади. Бунини ҳис қилган партия жонқурлари жойларда янада фаоллик, ташаббускорлик билан

иш олиб боришмоқда. Пленум ишида вилоят Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва муаммолар, шунингдек, келгусидаги режалар атрофида муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

Пленум кун тартибидан партиянинг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолияти ва навбатдаги вазифалари, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигини муносиб қутиб олиш юзасидан партия томонидан ўтказиладиган тадбирлар дастури ҳамда янги тахирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қатор масалалар ўрин олган.

Қарор ва ижро

Ҳар бир халқнинг қудрати унинг маънавияти билан белгиланади. Маънавиятни юксалтиришда эса санъатнинг таъсир кучи бекиёс. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг жорий йилнинг 28 апрелидаги "Ўзбекистон Давлат Санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз санъатини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Ҳўш, уни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

НУКУСДАГИ
ЎҚУВ ДАРГОҲИ

унда тахсил олажак ёшлар қорақалпоқ санъатини янада юксалтиришга хизмат қилади

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг хабар беришича, соҳага алоқадор мутаассадди ташкилотлар мазкур қарор ижросини амалда таъминлашга астойдил киришилган. Нукус шаҳрининг Хуррият Кўча баҳши кўчасида жойлашган замонавий уч қаватли бино санъатсевар талабаларнинг тахсил олишлари учун тахт қилиб қўйилган. Шунингдек, олий ўқув юртининг Низомии ишлаб чиқиш, рўйхатдан ўтказилди. Шу кунларда штатлар жадвали тузилиб, энг малакали профессор-ўқитувчилар танлаб олинган, махсус ўқув-қўлашмалари ва дарсликлар тайёрланмоқда.

Биз аллақачон абитуриентлардан ўқига киришга ҳужжат қабул қилишни бошлаб юбордик, — дейди институти филиали директори Жалғаш Султабаев. — Юртбошимизнинг алоҳида эътиборлари боис ташкил этилган янги ўқув даргоҳимизда тахсил олишни хоҳловчилар сонини кўпайтириб ортиб бораёпти. Бу ёшларимизда санъатга бўлган иштиёқ нисбатан кўпайиб кетган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарорининг аҳамияти бекиёс. Қорақалпоқ халқининг бетакдор санъати ва маданиятини янада рағбат топтириш, истеъдодли ёшларни қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, замонавий театр, кино, телевидение, радио йўналишлари бўйича юқори малакали актёрлар, санъатшунос мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Унга мувофиқ ташкил этилаётган санъат институти филиали келгусида юртимиздаги энг яхши таълим масканларидан бирига айланади. Уни битирувчи ёшлар юртимиз санъатини янада юксалтиришга хизмат қилишида.

Муродулло ҒАФУРОВ.

Партиянинг қуйи бўғинларида

КОНИГИЛНИНГ
УЙФОҚ ЧАШМАСИ

"Адолат" СДПнинг Самарқанд туманидаги бошланғич ташкилоти нуфузини янада оширмоқда

Хайрулла Узоқов раҳбарлигидаги "Конигил" ММТП агротехсервисиди ҳозир 30 дан ортиқ турли русумдаги техника мавжуд. Хаммаси соз ҳолатда. Ишлов бериладиган экин майдони эса 550 гектардан зиёд. Демак, ҳар битта техникага 20 гектарга яқин ер тўғри келади. Лекин кўп нарсани ишни ташкил этишга боғлиқ. Машина-трактор парки раҳбариди шундай фазилат муҳассам. 96 та фермер ҳўжалигини шартнома орқали бирлаштирган "Конигил" агротехсервис хамма ишга улгуриб, рентабеллигини таъминлапти. Бултур фермерларга 60 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатилди.

Рақамларни тилга олишдан мақсад ҳисоб-китоблар ортида касб масъулияти, муаммоларга нисбатан сезгирлик, ишчанлик борлигини таъкидлашдан иборат. Одамни қийнаётган ташвишларга сергак, ҳозиржавобмисан халқ ишончига лойиқсан. Сен уларни эзгу мақсадлар сари эргаштири олишини мумкин. Ана шундай қатъият, ишчанлик ва ҳозиржавоблик боис, "Конигил" агротехсервис қошида "Адолат" СДПнинг бошланғич ташкилоти юзага келди. Тез фурсатда унинг аъзолари сонини 40 нафардан ошиб кетди. Хайрулла Узоқов раҳбар сифатида ёлғиз ўзи халқ қишлоқларини муаммоларини партиядошлари даврасида муҳокама қилишга, ечимини излашга ҳаракат қилади. Партиянинг бошланғич

ташкилоти фаолият кўрсатаётган ҳудудда Конигил, Пулимубог, Обираҳмат, Қўшамғали сингари ўнга яқин қишлоқ жойлашган. Бу манзилгоҳларда азалдан аҳоли зич истикомат қилади. Шу боис, қишлоқлар инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолини иш билан банд қилиш, ёшларни ўқитиш, касб-ҳунарга йўналтириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш сингари вазифалар ҳамиша долзарб бўлиб келган. Яна шуниси эътиборлики, қишлоқда бирор муаммони ҳал этишда фаолларга суянишди. Муаммага ҳозиржавоб фаоллар эса "Адолат" партиясини тевадарида бирлаштирган. Усмон Шерқулов, Исроил Абдуллоев сингари партия фаоллари умумий иш вақтини, гайратини аямайдиған инсонлардан.

Партиядошларнинг биргаликдаги саясий-ҳаракатлари ўз самараларини бермоқда. Аввало, қишлоқдошларнинг жамиятдаги янгиланишларга нисбатан муносабати ўзгариб бормоқда. Энди улар ўз ҳуқуқ-буричларини англаб етган фермер ёки тадбиркор, ислохотларга масъул кишилардир. Шу туфайли кейинги йилларда юқорида номи тилга олинган қишлоқларда кенг қўламадаги ободончилик ишлари амалга оширилди. Маҳаллалар маркази қайта қурилди, ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Биргина Конигил қишлоқда очилган "Конигил мерос" корхонасининг довуруғи Япония, Франция, Италиягача етиб борди. Негаки, бу корхона хунарамандлари қадимий Самарқанд қозғоларини қайта ишлаб чиқариш билан шуғулланишди...

— Тадбиркорлик қишлоқдошларимизда меҳнатга янгича кўникмаларни, янгича тафаккурни пайдо қилмоқда, — дейди партия фаоли, иқтисодчи Исроил Абдуллоев. — Энди улар янги иш жойи очиб шуни кимга мурожаат қилишни, қандай ҳуқуқ-кафолатларга эга эканликларини яхши билишди.

(Давоми 2-бетда).

Бугун оиламиз билан уйли бўлдик, — дейди Искандар қувон-
чи ичига сигмай. Бунинг учун
Юртбошимизга раҳмат. Уз наваба-
тида, бундай гамжўрлик бизни яна
улуғ ишларга, юртнинг муносиб
фаразиди бўлишга ундайди.

Еш оилаларини фаворонлиги
йўлида амалга оширилаётган бун-
дай савий- ҳаракатлар келгусида ўз
самарасини беришига ишонамиз.

Гўлчехра УРДУШЕВА,
Виллоят солиқ бошқармаси
ахборот-таҳлил
гурухи раҳбари.

Модернизация

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятида ишлаб чиқариш-ни модернизациялаш, соҳага янги технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу вилотат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жиззах шаҳридаги "Қўхун" фирмасига қарашли шифер ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат жиҳатидан халқаро стандартларга тўла мос келади. Бир кеча-кундузда 3 минг дон маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мазкур корхонада бугун 50 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача ойлик мао-

ши 180-200 минг сўмни ташкил этмоқда.

Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, кунига 1600-1800 дон шифер ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг беш ойида 580 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Олдинлари шифер олиб келиш учун бошқа вилоятларга бориб, ойлаб навбат кутишга тўри келар эди, — дейди вилоятдаги "Ўрта Осиё" ме-

мор" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бош муҳандиси Нарзулла Хайруллаев. — Яратиб берилган бундай қулайлик маблагларимизни тежаш имкониятини берди. Хозирда "Барлос" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 675 ўринли Транспорт ва иқтисодиёт коллежидан барпо қилляпти. Коллежнинг тош қисмини ёпиш учун кетадиган шиферни бу корхонадан олдик.

Дарвоқе, корхона Жиззах вилоятида фаолият юритаётган 75 та қурилиш фирмаси билан шартномалар тузиб, уларга маҳсулотларни пайдар-пай етказиб бераётир. Бундан ташқари, Андижон,

Самарқанд вилоятлари ва ҳатто Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган бунёдкорлар билан ҳам сифатли шифер ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузилган корхона истикболдан далолат.

— Келгусида чиқиндидан ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Холмисхон Бобоева. — Бу эса 10 га яқин маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради, жамоанинг молиявий аҳволи анча яхшиланади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, "Адолат" мухбири.

Солиқ

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ва норасмий ишга жалб қилинган фуқароларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш, савдо ва нақд пул айланмаси қоидаларига риоя қилинишини назоратга олиш ҳамда санитария талабларига мувофиқлаштириш юзасидан прокуратура идоралари, солиқни сақлаш бўлимлари ва ДСЭНМ ходимлари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шайхонтоҳур тумани Қозиробод 2-тор кўчасида жойлашган "Қамолон" ошхонасида ўтказилган текширишда сотувчи-кассир Х.Ҳақимов миқдорида назорат-касса машинасида касса чекини бермагани, НКМ хотирасига 3 миллион 346 минг 200 сўм нақд пул тушуми киритилмагани ҳамда ошхонада керакли ҳужжатлари бўлмаган 112,7 минг сўмлик 166 дон озиқ-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

С.Раҳимов тумани, Форобий кўчасида жойлашган "Халол Фуд сервис" МЧЖга қарашли ошхонада эса расмий равишда ишга қабул қилинмаган ишчилар фаолият юритаётгани маълум бўлди. Шунингдек, 1 миллион 760 минг 600 сўм нақд пул тушуми НКМ хотирасига кирим қилинмагани аниқланиб, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 24 турдаги озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилди.

Шайхонтоҳур туманидаги "Техносанот" корхонасида қарашли "Эшонгузар" ошхонасида, С. Раҳимов туманидаги "Зокир Сарвис бизнес" корхонасида қарашли ошхоналарда ўтказилган текширишларда жами 19 млн. 419 минг сўмлик ҳеч қандай ҳужжатсиз товарлар борлиги, 446,2 минг сўм кунлик нақд пул НКМ хотирасига киритилмагани, 263,5 минг сўм савдо пуллари банкка топширилмагани ҳамда 14 нафар фуқаро норасмий ишга жалб қилингани аниқланди. Ушбу корхоналарнинг санитария ҳолатлари талабга жавоб бермаганлиги туфайли фаолиятлари тўхтатилди.

Солиқ идоралари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар бўйича умумий овқатланиш шохобчаларида норасмий ишлаб келаётган 1030 нафар фуқаролар билан корхона раҳбарлари ўртасида меҳнат шартномалари тузилди. Янги буйруқ билан ишга қабул қилинган фуқароларга корхоналар томонидан ой якуни бўйича 32 млн. 659 минг 900 сўм иш ҳақи ҳисоблангани режалаштирилди. Солиқ солиш базасини кенгайтириш ҳамда ишлаётган ходимларни тиббий куриданг ўтказиш борасида солиқ идоралари томонидан солиқни сақлаш бўлими, ДСЭНМ ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг
ахборот хизмати.



Суратларда: иш юритувчи Луқмон Эгамов; барпо этилаётган коллеж биноси.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

Бандлик дастури — амалда

КАСАНАЧИЛИК

ишга унум, оилага даромад келтирмоқда

Мамлакатимизда фуқароларнинг муқим иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани аҳолининг иқтисодий аҳволи тобора яхшиланган, даромадлари ошишига хизмат қилаёпти.

Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртадаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу

борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди. Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда тумандаги "Совластитал" қўшма корхонасида 16 та, "Тошкент Лада" акциядорлик жамиятида 14 та ва бошқа саноат корхоналарида жами 38 та янги касаначилик иш ўринлари яратилди. Бу эса аҳолини иш билан таъминлашга қўшма даромад олишига ҳам ҳисса бўлиб қўшил-

моқда. 38 нафар касаначи-га ўтган давр мобайнида 9256,0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланганининг ўзиёқ фикримиз далилидир.

Дарвоқе, туман ДСИ ходимлари мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан жамоатчилик жойларида, маҳалла ва гузарларда касаначилик билан шуғулланган шахсларга яратиб берилаётган солиқ имтиёзлари тушутирилиб борилаётгани бунда, айниқса, қўл келмоқда.

Б.МАМАТОВ,
Чилонзор тумани ДСИ
катта солиқ инспектори.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида

Маҳалламизда 3646 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. 630 та хонадон бўлган ҳудудимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

САХОВАТПЕШАЛАР ҲАР ИШДА МАДАДКОР

Ҳозир маҳалламизда ўттиздан ортиқ умумий овқатланиш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатиб келяпти. Яқин кунлар ичида уларнинг сони яна ҳам ортади.

Яна шуни қувонч билан айтишим мумкинки, маҳалламизда савобли ва эзгу ишлар алоҳида эътиборга олинган. Исмоилжон Муродов, Маъмуржон Қорбоев, Туробжон Хайдаров, Маъруфжон хожи Насриддинов сингари тадбиркорлар,

фермерларнинг саховатпешаликлари туфайли кам таъминланган оилаларга доимий равишда моддий-маънавий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Ана шундай олийҳиммат маҳалладошларимиз кўмаги билан маҳалламизнинг 5 километрлик ички йўллари яқин кунлар ичида таъмирланиши режалаштирилган.

Қ.МАШРАБОВ,
Балиқчи туманидаги
"Шералчек" маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.



ИЖОБИЙ ҚАДАМ

Шимолий Корея бир неча атом реакторларини йўқ қилди.

Бир неча йиллардан буён тортишувларга сабаб бўлаётган Шимолий Кореядаги ҳарбий ислохотлар ижобий томонга ўзгара бошлади. Мамлакат президенти ташаббуси билан пойтахт Пхеньянда жойлашган бир неча атом реакторлари заводлари бузиб ташланди. Бу халқаро ҳамжамият томонидан ижобий қарши олинди. Бир вақтнинг ўзида АҚШ маъмурияти КХДРга қўлланилаётган иқтисодий санкцияни бекор қилишини маълум қилди.

ГАНГА ИФЛОСЛАНМАСИН!



Хиндистондаги Ганга дарёси ифлосланишининг олдини олиш учун 1,5 миллиард АҚШ доллари талаб қилинади. Бу ҳақда мамлакат табиий ресурслар назорат ишлари вазири А.Раджа маълум қилган.

Вазирнинг сўзларига қараганда, ҳозиргача бу иш учун 300 миллион доллар атрофида маблаг сарфланди. Ганга қирғоғидаги 237 та ишлаб чиқариш муассасаси ёпилиб, уларнинг раҳбарларига табиий тозалikka зарар етказгани учун жарималар ҳам солинди. Аммо натижа деярли сезилмади.

Ҳиндларнинг фахри ҳисобланган Гангага узоқ вақтдан буён саноат чиқиндилари ва шаҳар қурулларининг ифлос сувлари қўшилиб, табиий мувозанатга салбий таъсир кўрсатди. Эндликда маҳаллий ҳукумат муаммонинг олдини олишга ҳаракат қилаёпти.


ФАВКУЛОДДА ХОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Монголияда фавкулда ҳолат эълон қилинди.

Мамлакатда 29 июн кунини ўтказилган парламент сайловларининг натижаларидан норози бўлган муҳолифатдаги демократик партия вакиллари томонидан пойтахт кўчаларида турли тартибсизликлар содир этилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, сайловда Монголия халқ-революция партияси парламентдаги 76 ўриндан 40 тасини эгаллаган, демократик партияга 25 ўрин насиб этган.



АЭРОПОРТЛАР КЎПАЯДИ



Хитой ҳукумати 2020 йилга бориб мамлакатда юзга яқин аэропорт куриш ниятида.

Маълумотларга кўра, мамлакатдаги 2010 йилда аэропортлар сони қарийб икки юзга, 2020 йилга бориб эса салкам икки юз элликтага етади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, янги ҳаво дарвозаларини барпо этиш учун 64 миллиард АҚШ доллариға тенг миқдорда маблаг сарфланади.

"МЕРСЕДЕС" ШАРТ ЭМАС


Немис таксичилари аънавий "Мерседес"лардан бироз арзонроқ автомобиль русумларини афзал қўришмоқда.

Фақат охириг уч йилда такси сифатида ишлатилган "Мерседес" авто-



мобилларнинг миқдори 13 фоизга камайган. "Файненшл Таймс Дойчланд" газетасида ёзилишича, Германия кўчаларида BMW тамгаси тўширилган такси машиналари кўпроқ учрайдиган бўлиб қолди. Такси бозоридagi яна бир янгилик "Опел" бўлиб, бу машина бор-йўғи бир неча ҳафта ичида бозорнинг каттагина қисмини эгаллашга муваффақ бўлган.

МУЗЛИКЛАР ЭРИМОҚДА



Африка қитъасининг икки энг баланд тоғ қўққиси — Килиманжаро ва Кениядаги муз қопламалари эриб ботиш арасида.

Агар вазият шу тахлит давом этаверса, 25-50 йил оралиғида қора қитъанинг энг йирик дарёлари қуриб қолиши мумкин. Килиманжаро ва Кения қўққиларидаги музликлар Марказий Африкадаги бир неча катта-кичик дарёларни сув билан таъминлайди. Конго ва Нил дарёлари ҳам айнан шу музликлардан тўйинади. Агар вақтида эътибор қаратилмаса, келажакда миллионлаб африкаликлар даҳшатли қурғоқчиликдан азият чекиши мумкин.

4 июль. Брюсселда Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг Янги босқичи муҳокама этилади.

5 июль. Испанияда ҳар йилги "Бег биков" фестивали бошланади.

7 июль. Японияда "Катта саккаэлик" саммити очилади. Интернет хабарлари асосида Умид АЗИЗОВА тайёрлади.

Андижоннинг Хўжа-обод туманидаги "Барчийой" хусусий корхонаси ўз маҳсулотларини Германия, Туркия ва Россияга экспорт қилмоқда.

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА

— Бизда асосан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Р.Раҳимов. — Йилнинг биринчи чора-ғида жамоамиз 221 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва шунинг 40 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинди.

Хозирда хусусий корхона ва унинг қошидаги икки катта ҳафта 158 нафар киши меҳнат қилмоқда. Кунига икки тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона жамоаси мустақилликнинг 17 йиллиги тантаналари арафасида яна битта янги цех фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирган. Бу яна 50 кишини муқим иш жойи билан таъминлашга замин яратди.

«Туркестон-пресс».

Қонун барчага баробар

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Қинғир ишга қўл урган киши қонун олдида, албатта жавоб беради. Аммо, охири-оқибат қўлмишдан пушаймон бўлишдан, таассуф қилишдан ҳеч фойда йўқ.

Фаргона вилоятининг Данғара тумани "Матлуботсавдо" ОАЖнинг собиқ бошқарув раиси Қарахон Худойбердиевнинг энг аввал қандай қилиб муайян даромад топиш устида бош қотира бошлади. Ахир, қўшимча чиқарилган 71 минг 191 дон акцияни жамият акциядорларидан яшарин равишда сотишни режалаштирди. Бунинг учун эса туман "Матлуботсавдо" ОАЖ ва "Умумий овқатланиш" АЖ акциядорларининг амалда бўлиб ўтмаган қўшма умумий йиғилиши қарорини қалбақлаштирди. Сўнг брокер С.Сайдуллаев билан тузилган шартнома-топшириққа асосан 1 дон акциянинг бошлангич нарҳини 288 сўм 75 тийиндан белгилаб сотувга чиқарди ва уларнинг 65 минг 200 донасини акси Н.Худойбердиевга, 5 минг 991 донасини яна бир яқин қариндоши Б.Абдуллаевга пуллади. Вахотланки, жамият низомига кўра, қўшим-

ча равишда чиқарилган акцияларни биринчи гада акциядорлар сотиб олиш ҳуқуқига эгаллиги, қанчки акциялар акциядорлар томонидан харид қилинмаса, фонд биржаси орқали эркин сотувга чиқарилиши белгиланган. Афсуски, "ўзини хон, кўланкасини майдон" деб билган Қ.Худойбердиевнинг қонуннинг бу ҳатти-ҳаракатлари жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судида қўрилиб, у Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Энди бўлар иш бўлди, нима бўлса ҳам акси ва қариндоши номидagi акцияларни сақлаб қолиш пайида юрган Қ.Худойбердиевнинг барча режалари бирин-кетин чиппакача чиқа бошлади. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Фаргона вилояти маркази акциядорлар манфаатини ҳимоя қилиб "Ноконунги тузилган топшириқ шартнома ва олдинсиз шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида"ги Данғара тумани "Матлуботсавдо" АЖ акциядорларининг 2003 йил 26 сентябрдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида"ги давво ариза билан судга мурожаат қилди. 2007 йилнинг 28 декабрида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг судьяси М.Усмонов ва раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида акциядорларнинг барча вахталари ўз исботини топди. Қўшимча акцияларни қонунга зид равишда сотиш ҳақидаги шартномаларнинг барчаси бекор қилинди. Бир сўз билан айтганда, адолат тантана қилди.

О.АБДУЛЛАЕВ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРАЛИГА ВА ФУҚАРОЛАРГА

Ҳурматли юртдошлар!

Диёримизда ёз фаслининг иссиқ кунлари давом этаётгани сабабли ўтлар, шох-шаббаларнинг қуриши ёнғинлар сонининг кескин қўлайиб кетишига олиб келиши мумкин. Қичкинагина учкун, ўчирилмаган сигарета қолдиги, болалар қўлига тушиб қолган гуғурт ва шу каби арзимас бўлиб қўрилган бир қанча омиллар катта таълофатларга олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати қўлидаги эҳтиёт чораларини қўллашнингизни сўрайди:

- Чордоқ ва ертўпалар эшикларини қулфлаб, назорат қилиб турунг;
- Ўйлан қисқа вақтга чиқсангиз ҳам электр ва газ анжомларини ўчириг;
- электр симларининг ҳолатини текшириб, аниқланган носозликларни ўз вақтида бартараф этинг;
- иморатлар ораллиғига ҳар хил ёнғувчи нарсалар ташламанг;
- Бинолар ва иморатлар атрофида олов ёқманг;
- гуғурт билан ўйнаётган ёш болаларга бефарқ қараманг;
- ёш болаларнинг газ плитаси, электр асбоб-ускуналарини ёқилишга рухсат берманг;
- қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланманг;
- Ўйингиз атрофи ва кўчаларни қўрилган ўтлардан ўз вақтида тозаланг;

Ҳурматли юртдошлар! Ўзингиз ва болаларингизнинг ҳаётини ҳамда мол-мулкнингизни ёнғин деган офатдан сақлаш ўз қўлингизда эканини унутманг!

Ёнғин содир бўлганда эса зудлик билан 01 телефони орқали ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар беринг!

МИРОБОД ТУМАНИ ИИБ ЁХБ

